

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ **МО 3-42**  
2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг  
2017 йил 17 август  
- сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

**Мусика санъати**

(Басгакорлик санъати, Вокал санъати (турлари бўйича), Халқ ижодиёти (турлари бўйича) Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича), Дирижёрлик (турлари бўйича) ва Мусика таълими йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий  
ва ўрта махус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-усlubий  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201\_\_ йил  
даги \_\_\_\_\_ - сонли байномаси билан тасдиқланган.*

Тузувчилар: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида  
жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д.,  
проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаҳхарова.  
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил  
қонунчилик ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев,  
ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.  
“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик  
компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.  
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,  
касбий ахборот майдонини лойihalash” модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмелов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиёва,  
ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.  
“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар.  
У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия  
Кенгашининг етакчи мутахассислари.  
“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва  
қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф.  
Р.Самаров, п.ф.н. Х.М.Алимов, ф-м.ф.н., доц. А.З.Қаримов.  
Махус Фанлар бўйича: проф. А.Мансуров, проф. Р.Қосимов,  
проф. Ў.Тошматов, доц. Г.Мухамедова, кат. ўқит. У.Зуннунова.

Тақризчилар: Х.Рахимов – ЎЗБУ раисининг ўринбосари, Ўзбекистон давлат  
консерваторияси “Бастакорлик ва чолгулаштириш” кафедраси  
профессори.  
С.Цой – Ўзбекистон давлат консерваторияси “Академик  
хонадони ва опера тайёрлови” кафедраси профессори.  
М.Ғофуров – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Чолгу ижрончилиги” кафедраси доценти.

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг қарори  
билан тасдиққа тавсия қилинган (2019 йил 3.март даги 11/10 -сонли байнома).

## Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар  
асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил  
7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича  
Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек  
2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-  
тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли қарориди белгиланган устивор  
вазифалар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг  
талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг  
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад  
қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махус  
фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув  
жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар,  
педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи,  
мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш  
бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда  
тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг  
тайёрларлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари  
асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари,  
илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация  
технологияларини ўқув жараёнига кенг таъбиқ этиш, чет тилларини интенсив  
ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий  
фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия  
жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш,  
шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан  
боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

“Музыка санъати (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини узлуksиз янгилаш ҳамда ривожлантириш механизмларини яратиш;

- олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган замонавий талабларга мос ҳолда педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасида ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Музыка санъати (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- мустика санъати фанларини ўқитишдаги илгор хорижий тажрибаларни;
- мустика санъатида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда “Мустика санъати” йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- мустика чолғулари ривожининг эволюциясини, тарқалиш ва такомиллашув жараёнларини;

• ижрочилик турларини ўзлаштиришнинг услубий асосларини;

• яққа ва жамоавий ижронинг ривожланиш тенденцияларини;

• замонавий талабларда машғулотларни ташкил қилишнинг илмий ва амалий асосларини;

• мустика санъати фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;

• мустика санъат соҳасидаги таълим мазмуни ўзвийлигини таъминлашда новаторлик ва анъанавийлик мезонларини;

## **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Мустика санъати фанларини ўқитиш методикаси.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялари қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Мустика санъати фанларида замонавий ахборот технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли таҳлил.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Арт маркетинг.

6.2. Мустика санъатида замонавий тенденциялар.

6.3. Таълим тизимида номоддий маданий мерос.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

- номоддий маданий мероснинг ривожланиш тенденцияларини;
- мусика санъатида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- замонавий арт маркетинг эволюцияси ва асосий тамойилларини;
- мусика санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни билиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- мусика санъати йўналиши бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
  - мусика санъати йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
  - анъанавий ўқитиш услубларини замонавийлаштириш;
  - мусиқий таълимда илгор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
  - мусика санъатидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш;
  - мусика санъатидаги фанларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш;
  - мусика ижрочиларини тайёрлашда репертуар танлаш;
  - гуруҳли ва якка машғулотларни режалаштириш;
  - ижро техникасини ўстириш;
  - санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
  - якка тартибда, жамоалар билан ишлашда замонавий услубларни қўллаш;
  - мусика санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- Тингловчи:**
- мусика санъати таълимида аудио ва видео ёзувларини яратиш ва қўллаш;
  - мусиқий асарларни ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш;
  - ижрочиликни тақомиллаштиришда машқ ва этюдлардан, гамма ва аккордлар ижросидан самарали фойдаланиш;
  - мусика санъати фанларини ўқитишда замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
  - мусика ижрочилигида замонавий услублар ва жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш;
  - якка тартибда, жамоалар билан ишлашда ижро малакаларини ўстириш;
  - арт менежментда тарғиботга оид фаолиятни ташкил этиш;

- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- мусика соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илгор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- мусика санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкласи ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Мусика санъати (турлари бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.**

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янги назарий-концептуал гоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги.(Кўлтириқ ичидаги гап олиб ташланган, Ўзгибор бериң!) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар,

модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёналари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

## • 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг боسقичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дареликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тасвир этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат компетенциялари ва педагогик технологиялари ва педагогик компетенциялари.

Иновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Иновацион жараёнларнинг кечиш боسقичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инновацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлиқни шакллантиришнинг зарурий шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## 2.2. Мусиқа санъати фанларини ўқитиш методикаси.

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машгулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш методикаси. Назарий дарс технологиясига харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Мусиқа санъатига оид хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари. Илгор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. Мусиқа фанларини ўқитишда “ўстоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Мусиқа санъати фанлари ўқитилишининг методологик масалалари. Мусиқа санъатига доир анъаналарни ва етакчи тенденцияларини ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакетига дастурлари (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедияли электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### 3.2. Мусиқа санъати фанларида замонавий ахборот технологиялари.

Аудио ёзувлар тарихида ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиш погоналари. Инсониятнинг маданий ривожланишида аудио-визуал жиҳозларнинг аҳамияти. Электрон нота муҳаррирлари ёрдамида мусиқа санъати фанларини ўзлаштириш методикаси. Ижодий, илмий-ижодий ишларда, татқиқот изланишлари ва илмий-методик фаолиятда замонавий ахборот технологияларининг ўрни. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари.

Мусиқий фанларни ўзлаштиришда замонавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти. Замонавий ахборот воситаларини мусиқа билан боғлиқ фанларда қўллаш истиқболлари ва замонавий тенденциялар.

Мусиқа ижрочилиги билан боғлиқ фанларга модуль тизимини татбиқ этишда замонавий мусиқий дастурлар (Sibelius, Encore, Final ва б.)дан амалий фойдаланиш. Аудио ва видео файллар билан ишлаш технологиялари (овоз ва тасвирлар билан ишлаш). Анимацион иловалар билан ишлаш технологиялари. Аудио ёзувларни замонавий ахборот технологиялари орқали ноталаштириш, нота муҳаррири дастурларида клавиш ва партитуралар яратиш, партияларни қозга чиқариш ва электрон кўрinishларини сақлаш услублари.

#### IV. Амалий хорижий тил

##### 4.1. Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилини ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилини ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилини ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тилини ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида тапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиб, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари қабул қилиш технологиялари.

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари. Тизимли тахлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли сингез. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилини амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Мафқуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил. Ахборот маънавий ва мафқуравий хавфсизлик асоси. Оммавий маданият,-маданият кушандаси. Иллатларни кадриятларга айланттириш

мазмуни ва унинг Ўзбекистон халқига тахлиди. Бугунги глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафқуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари. Ахборот соҳасида тахлиллар. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигининг булунги ҳолати. Оммавий, ёт маданиятнинг юртимизга кириб келиши мафқуравий тахлил сифатида. Глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафқуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари.

#### VI. Махсуф фанлар

##### 6.1. Арт маркетинг.

Арт маркетингнинг мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Аудиторияларни тахлил этиш. "Маркетинг микс" тушунчаси ва функцияси. Стратегик режалаштириш ва стратегик маркетинг жараёнини бошқариш. Маркетинг аудити ва SWOT тахлили. Маркетинг режасини тадбиқ этиш. Замонавий арт бозор. Тасвирий санъат асарлари маркетингида маркетинг микени шакллантириш. Аудиовизуал индустрия. Аудиовизуал индустрия маркетинги. Музей маркетинги. Музей аудиторияларини тушуниш. Ижро санъати бозорини ўрганиш: томошабинларни тахлил этиш, бозор сегментацияси, мақсадли бозорларни танлаш, рақобатчилар ва потенциал ҳамкорларни аниқлаш. Маркетинг режалаштириш, маркетинг бюджетини тузиш. Фандрейзинг мазмуни ва мақсадлари. Ҳомийлик бозорлари тахлили. Фандрейзинг кампаниясини амалга ошириш усуллари.

##### 6.2. Мусика санъатида замонавий тенденциялар.

Бастакорлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Дунё халқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиканинг тутган ўрни. Услублар, янги миллий мусика мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Бастакорлик ижодиёти тарихотида дирижёрлик санъатининг ривожланиш босқичлари. Дирижёрлик санъатининг ўзига хос томонлари. Дирижёр - қатта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида. Хорижий адабиётлар тахлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Авангардизм. XX аср мусикасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, жанрлар. Мусикада "модернизм" тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши. Мусика санъатининг анъанавий услуб ва жанрларининг инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари. Додекофония, сонорика, пуантилизм, алсаторика, минимализм каби мусикий композиция тузиш методлари. Замонавий мусика яратган композиторлар: Пендерекций, Шнечдрин, Шнитке ва бошқаларнинг ижоди. Гибрид жанрлар. Услублар плюрализми. Мусикий тил эволюцияси ва унинг шакли, мусикий образ ҳосил қилиш механизмига таъсири. XXI аср мусика санъатидаги янги оқимларнинг жанр, шакл ва услубга таъсири. Жанрий экспериментлар натижасида стилизация, полистилистика, индивидуал услублар каби тушунчаларининг пайдо бўлиши. Ўзбекистон композиторлари

ижода шакл ва услуб муаммоси. Композитор ва фольклор. Шарк ва Ғарб муносиқасининг интеграцияси. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Вокал санъатида замонавий тенденциялар. Вокал санъатида стилистик йўналишлар. Миллий ва замонавий куйлаш услублари. Вокал ижрочилигида бадихавийлик (импровизация) техникаси. Вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданияти. Замонавий хонандалик мактаблари. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Хорижий давлатларда вокал мактаблар. Кадрлар тайёрлаш бўйича илгор хорижий тажрибалар. Вокал ижрочилигида замонавий техник воситалар. Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар. Хонандаликда маҳаллий услублар.

Чолгу ижрочилигида замонавий тенденциялар. Профессинал ва хаваскор ижрочилик. Чолгу ижрочилигида устоз-шогирд тизими. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Мумтоз муסיқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолгу ижрочилигини ўргатиш борасида илгор маҳаллий ва хорижий тажрибалар. Муסיқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услубларини қўллаш. Репертуар танлаш ва чолгу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари. Ижро техникасини ўстириш услублари. Асарларни ўрганишда даврий услубларга алоҳида эътибор қаратиш масалалари. Чолгу ижрочилигида импровизация ва муаллиф кўрсатмаларига тўла амал қилиш масалалари. Машҳур чолгучиларнинг ижоди ва улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

### 6.3. Таълим тизимида номоддий маданий мерос.

Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид ҳуқуқий-меъёрий муҳофаза қилиш конвенциясининг мазмуни. Конвенциянинг икки рўйхати ва муҳофаза бўйича илгор тажрибалар реестри. Оператив йўриқнома. Ўзбекистонда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Давлат дастури.

Номоддий маданий мерос ва барқарор тараққиёт. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари. Халқ оғзаки ижоди ва унинг жанрлари. Ижро санъати. Сахнавий ижро санъатининг жанрлари. Муסיқа. Мақомлар. Халқ фольклори. Халфачилик. Мавриги. Достон ижрочилиги. Термалар. Катта ашула. Рақс санъати ва рақс мактаблари. Халқ томоша санъати. Миллий ўйинлар. Урф-одаат, маросим ва байрамлар, маданий маконлар. Миллий пазандачилик санъати. Урф-одаат, маросим ва байрамлар таърифи. Маданий маконлар. Пазандачилик санъати. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва кўникмалар. Анъанавий хунармандчилик. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Номоддий маданий мерос унсурларининг хусусияти ва таснифи. Номодномаларни тайёрлаш. Номоддий маданий мерос муҳофазасида халқаро алоқаларнинг аҳамияти.

Ўзбек миллий ва фольклор асарлари талқини. Фольклорда ҳудудий услублар. Фольклор асарларини сахналаштириш. Фольклор асарларини муסיқий таълимда ўрганиш масалалари. Ўзбекистондаги илгор фольклор жамоалари. Фольклор санъатини мамлакатимиз ва хорижда тарғиб этиш. Фольклор йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш тизими. Ўзбек муסיқа санъатида фольклор муסיқасининг ўрни. Фольклор ва замонавий эстрада муносабатлари.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятчи масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, миллий ва хорижий ўқув ҳамда илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдиротини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдироти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавзулар бўйича тақдиротлар;
- бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар - электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;  
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;  
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

#### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

#### **Адабиётлар:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**  
Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остионасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти икболи ва булук келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, – 2017.– 102б.

7. Мирзиёев Ш.М. Булук келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

#### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сийёти самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

#### **III. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.

3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиоров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеълод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиоров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеълод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти-Т. “Академия”, 2003–70 б.

7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.

8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализм: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

9. Martina Freytag. "Chorleitung- effizient und lebensnah". Gustav Boss Verlag, Кассел, Германия, 2011.
10. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 p.
11. Elizabeth A.H.Green. "The modern conductor". USA. Pearson Prentice Hall. 2004. 245 p.
12. Kurt Redel. Takttschlagen oder Dirigieren. Germany. 2005.
13. James L.McHard. "The Future of modern Music". Sad Edition. Англия, 2005.
14. Умуров Н.К. Нотные редакторы Sibelius-4, Sibelius-6 (возможности и сравнительный анализ версий программы Sibelius. –Т.: 2015.
15. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.
16. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
17. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.
18. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
19. Рахимов Ш. Музыка санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув кўланма, 2009. – 224 б.
20. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Arts marketing. – Paperback. Germany, 2004.
21. Маданият соҳасига оид меъърий ҳужжатлар тўплами. ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.
22. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.
23. Janet Pillai. Learning with Intangible Cultural Heritage for a Sustainable Future. UNESCO, 2015.
24. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2014, Paris.
25. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2014.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.learnenglish.teens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglish.teens.britishcouncil.org/)
5. [www.learnenglish.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglish.britishcouncil.org/en/)
6. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
7. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)
8. [www.unesco.org/culture/ich](http://www.unesco.org/culture/ich)
9. [www.icheap.org](http://www.icheap.org)
10. [www.nmm.uz](http://www.nmm.uz)
11. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор У.Бегимкулов

“ 2 ” август 2017 й.

М.ў.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хузуридаги Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўлими маркази

Директор О.Хасанов

“ 15 ” июль 2017 й.

М.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Маданият вазирлиги Таълим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси бошлиги Юлдашев

“ 1 ” август 2017 й.

М.ў.